

Вақт борида ибрат олайлик!



14:00 / 19.03.2022 3349

Оч қолишдан кўрқиб Аллоҳнинг фарз рўзасини тутмайдиганлар, Аллоҳнинг кичик синовидан кўрқиб ваҳимага тушадиганлар Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳаётидан ибрат олайлик!

Оиша онамиз айтади:

«Уйимизда бир ойлаб қозон қайнамаган кунлар кўп бўлар эди. У вақтда нон ҳам йўқ, қуруқ хурмо еб, устидан сув ичар эдик. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг тўшак, ёстиқлари меш теридан бўлиб, ичи хурмо қипиғи тўлдирилган бўлар эди. Эланган оқ буғдой нонни, семиз қўй этини умрлари давомида кўрмадилар. Қорин тўйдириб, таом емадилар, кечаси оч ётиб, яна кундузи рўза тутар эдилар. Бир куни «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга раҳмим келиб, йиғлар эдим. Орқаларига ёпишган қоринларини силаб: - Ота-онам Сизга фидо бўлсин ё Расулуллоҳ, дунё ноз-неъматларидан бироз фойдалансангиз нима бўлади?», - дедим».

Шунда у зот:

«Эй Оиша, ўтган пайғамбарлар бундан ҳам оғир қийинчиликларга чидаб юриб, Парвардигори олдига бордилар. Уларга Аллоҳ кўп ҳурматлар кўрсатиб, улуғ неъматлар ато қилди. Мен уларнинг аҳволини била туриб, дунёдан лаззатланишга ҳаё қилурман», дедилар.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳаётлари биз учун ибрат-намуна. У зотнинг ҳаётларини кўпроқ ўрганайлик. Шунда бизга берилган бу неъматларнинг шукрини адо этишга кўплаб таҳмид айтамиз. «Алҳамдулиллаҳ» дея оламлар Робби Аллоҳга ҳамд айтамиз.

Манба: mehrob.uz